

ПАРЛАМЕНТ ВА ОАВ ҲАМКОРЛИГИ

Муҳтарам Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида парламент олдида турган фоят муҳим вазифалардан бири — бу қабул қилинган қонунлар ижроси ўстидан қатъий парламент назоратини ўрнатиб эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Албатта, ушбу вазифанинг муваффақиятли ҳал этилиши, кўп жиҳатдан, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчиликнинг бу жараёндаги фаол иштирокига боғлиқ.

вий ахборот воситаларининг фаолигини янада ошириш масалаларини атрафлича муҳокама қилди.

Аввало, парламент назорати функцияларига эътибор қаратадиган бўлсак, у қонунлар ижросини ўрганиш, қонунларнинг амалиётда қўлланилишига таъсир этувчи муайян омилларни аниқлаш ва шунга кўра тавсиялар ишлаб чиқиш, назорат таҳлил натижаларига асосан амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, мансабдор шахсларнинг қонунлар ижросини таъминлашга бўлган масъулиятини оширишга доир чора-тадбирларни кўришдан иборат. Бу ишларни кенг жамоатчиликка етказиш, тушунтириш, хабардор қилишда эса, ҳеч шубҳасиз, ОАВнинг ўрни катта. Давра суҳбат қатнашчилар шу ҳақда мулоҳаза юритиш асосида, парламент, депутатлар ҳамда ОАВ ҳамкорлигини янада кенгайтириш лозимлигини қайд этдилар. Шу билан бирга, тадбирда парламент назорати ва

оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш истиқболлари, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат фаолиятини ОАВ томонидан ёритилишининг замонавий усул ҳамда технологиялари хусусидаги хорижий тажриба ва амалиёт таҳлил қилинди.

Ахборотлашган жамиятти шакллантириш ва демократик кадриятларни қарор топтиришда ОАВ ижтимоий институт сифатида алоҳида ўрин тутади. Аҳолининг сиёсий фаолигини, ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишда, ҳокимият тизимлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилганда муҳим восита ҳисобланади. Шу маънода, Юртбошимизнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида билдирилган парламент фаолиятига доир танқидий фикр-мулоҳазалари, партия нашрларининг савияси борасидаги эътирозли таҳлиллар фоят ўринлидир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда парламент назорати самарадорлигини ошириш ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятини кучайтириш учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Фақат парламент ва ОАВ ўртасидаги ўзаро муносабатни янада яхшилаш, уни янги босқичга кўтариш учун бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Шу ўринда эътироф этиш жоизки, парламент назорати натижалари бўйича доимий мониторинг юритиш, бу йўналишда олиб борилган ишларни ОАВда кенг ёритиб бориш ва жамоатчиликни етарлича хабардор этишга алоҳида эътибор кўрсатиш зарур.

Кейинги пайтда парламент томонидан жойларда ўтказилаётган назорат таҳлил тадбирлари қўламин сеизларли даражада ошди. Бунинг натижасида аниқланган муаммолар ўз ечимини топмоқда. Агар амалга оширилаётган мана шу ишлар бевоқиф оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда

амалга оширилса ва кенг ёритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бугунги кунда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари қаторида сиёсий партияларнинг матбуот нашрлари олдида фоят масъулиятли ва муҳим вазифалар турибди. Тўғри, партияларро, фракцияларро соғлом рақобат, ўз сайловолди дастурларидан келиб чиқиб, партияларнинг қонунлар лойиҳаларига муносабатлари акс этган мақолалар қўламин, савияси ўсмоқда. Бу парламент назоратининг ёритилишида ҳам кўзга ташланмоқда. Аммо бу фаолиятни бугунги кун талабларига жавоб берадиган даражага кўтариш учун қилиниши лозим бўлган ишларимиз бисёр. Бу мақсадларга эришиш йўлида барчамиздан бирдек масъулият ва фаоллик талаб этилади.

Раъно ГАЙМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугун ҳаётнинг ўзи фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш вазифасини қатъий қилиб қўяётир.

Парламент қуйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган «Парламент назорати самарадорлигини ошириш-

да ОАВнинг ўрни» мавзусидаги давра суҳбати Президентимиз томонидан белгилаб берилган дастурий вазифалардан келиб чиқиб ташкил этилди. Тадбир иштирокчилари қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат ваколатларини қўллашнинг қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий норма ва механизмларидан кенг фойдаланиш, парламент назорати, хусусан парламент сўрови ва парламент эшитувининг самарадорлигини таъминлашда омма-